



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 9-aprel. Payshanba 41 (31.944) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ДЕПУТАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ОДАМЛАР ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ УЧУН астойдил ишлаш лозим

2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда олий мажлис қонунчилик палатасидаги, шу билан бирга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги ҳар бир депутатлик ўрни учун кураш қизғин кечди. Сайловчилар сайлов кампанияси доирасидаги тадбирларда, номзодлар билан учрашувларда фаол иштирок этиб, ўзларини ўйлан-тираётган масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, тиббий ва коммунал хизматлар кўрсатиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг манзиллигини ошириш, қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш масалаларида жойларда айрим муаммолар келиб чиқаётганини, уларни бартараф этиш долзарб вазифа эканини таъкидлашди. Бу борадаги таклиф-тавсияларини ҳам

айтишди. Халқимиз вакиллари-нинг ушбу хоҳиш-истакларини рўйбга чиқариш депутатлар зиммасига улкан масъулиятни юклайди.

▶ Давоми 2-бетда.

ХАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ АҲОЛИНИНГ МАЪЛУМ БИР ҚАТЛАМИ, ЯЪНИ ЭЛЕКТОРАТ МАЎНАЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА ДОИМ ИЗЛАНИШИ ЗАРУР. БУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ОДАМЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ЯХШИ БИЛИШИ, УЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА КЎМАКЛАШИШИ ЛОЗИМ.

АЙТИШ КЕРАККИ, ЎЗХДП БУ БОРАДА ЎЗИГА ХОС ТИЗИМ — ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ЭГА. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ТАЪСИР КУЧИ ОШИШИ ТАЛАБ ҚИЛИНАЁТГАН БУГУНГИ ШАРОИТДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ, УМУМАН, АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ТУШАЁТГАН МУРОЖААТЛАР БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА? МУРОЖААТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА ТўПЛАДИ? ҚАБУЛХОНАЛАР ИШИ КАЙСИ ХУДУДЛАРДА ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЙЎЛГА ҚўЙИЛМАЯПТИ? ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР?

УШБУ САВОЛЛАРГА ЎЗХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲИ РАҲБАРИ РАИМБЕРГАН САБУРОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

МАЗКУР МАҚОЛА ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ СЕНИДА ЧОП ЭТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

ЎЗХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Хотин-қизларга маслаҳатчи ва кўмакчи

■ Сирларё вилоятида 5 мингдан зиёд хотин-қиз ЎЗХДП аъзоси ҳисобланади. Ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда уларнинг 32 нафари партия-миздан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланди.

Партия-мизнинг «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.



ЎЗХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Кексалар хонадонидида — ҳашар


■ Қибрай туманидаги «Шодлик» маҳалласида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Кексаларимиз — ёшлар эъзози ва эътиборида» лойиҳаси доирасида ҳашар ташкил этилди.

Ушбу тадбир электорати-миз вакиллари бўлган ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ҳамда уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, уларнинг уй-жойларини ободонлаштириш мақсадида ўтказилди. Хусусан, маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийлари Ҳамидулла ота Абдуллаев ва Раиса аянинг хонадонидидаги юмушлар бажарилди.

— Ёшларнинг яхши кайфият билан ёши улуг кишиларга ёрдам бераётгани, ҳашар ўтказаяётгани бизни хурсанд қилди, — дейди Ҳамидулла ота. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек савобли ишга қўл урибди. Ёшлардан жуда миннатдор-миз...

— Бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга бе-қийс хизмати синган мўтабар кексаларимизга ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз, — дейди Қибрай агротехжорат касб-хунар коллежи ўқувчиси, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Нурислом Овулбеков. — Биз кичик-кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ту-манимиздаги ёлғиз кексалар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг уйларида ҳашар ўтказишга келишиб ол-ганмиз. Арзимас хизматимиз орқали кексаларимизга хур-мат-эҳтиром кўрсатишни, улардан кўнгил сўраб, дуола-рини олишни ният қилганмиз.

Муқаррам РАСУЛЖОНОВА



Испанияда бўлиб ўтган тадбир Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланди

■ Испания пойтахтида «Амир Темурнинг жаҳон тарихи-даги ўрни» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллигига бағишланган ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Сан-Пабло университети ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Испаниянинг тарихчи олимлари, Сан-Пабло университетининг профессорлари, ўқитувчи ва талаба-лари иштирок этдилар.

Семинар чоғида ўзбек давлат-чилигининг тарихан шаклланишига Амир Темур қўшган ҳисса, унинг сиёсий, ҳарбий ва дипломатик фаолияти билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Қайд этилганидек, Соҳиб-қирон нафақат буюк давлат ар-боби ва саркарда, балки санъат, ма-даният, адабиёт ҳамда меъморчи-ликнинг ҳомийси сифатида ҳам дунё тарихида ўнмас из қолдирди.

Сан-Пабло университетининг профессори Антонио Маркос Алонсо ўз чиқишида тадбир иш-тирокчиларининг эътиборини ўрта асрда Европа минтақасида тинчлик ва осойишталик сақланишида Амир Темурнинг ўрни ва аҳамияти маса-ласига қаратди.

— 1402 йили Анкара остонаси-да бўлган жангда Султон Боязид II устидан ғалаба қозонганидан сўнг Фарб мамлакатлари Амир Темур киёфасида Европа халоскорини кўрди, — деди испаниялик олим. — Уша давр адабиёти ва тарихшу-нослигида Амир Темур шахсига нисбатан катта қизиқининг саба-би ана шундадир.

Тадбир чоғида Амир Темурнинг давлат бошқаруви ҳамда дипло-матиясидаги ўзига хосликларга, Темурийлар сулоласининг тарихий-маданий мероси ва замонавий Ўзбекистонда улар сиймосига му-носабат масалаларига катта қизи-қиш қузатилди.

— Амир Темур буюк давлат ар-боби, дипломат ҳамда илим-фан ва санъат ҳомийси сифатида тарих-га кирган, — деди профессор Антонио Маркос Алонсо «Жаҳон» ахборот агентлигига берган ин-

тервьюсида. — Ўзбек халқининг бу улуг ўғлини шахс сифатида бугун-ги кунга қадар тарихчилар ўрта-сида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, испан тарихчиларида ҳам. Менинг ўйлашимча, бунинг сабаби Кастилия қироли Энрике III томонидан Самарқандга юба-рилган элчи Руи Гонсалес де Кла-вихонинг дипломатик миссияси тарихи билан изоҳланадики, маз-кур сафар испан-ўзбек муносаба-тларининг ўрнатилиши ва мустақ-камланиши тарихида муҳим ўрин тутди.

— Ҳозирги пайтда Амир Темур-нинг тарихий сиймосини ўрганиш-га бағишланган докторлик диссер-тацияси устиди иш олиб бормоқ-даман. — деди илмий тадқиқотчи

Матильда Баторет. — Шубҳасиз, Амир Темур буюк тарихий шахс-дир. Унинг санъат ва меъморчилик ҳомийси сифатида қолдирган ме-роси менда жуда катта таассурот уйғотди. «Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурган имо-ратларга боқсунлар». Бу сўзлар бир неча юз йиллардан бери Амир Темур ва унинг авлодлари даври-да барпо этилган гўзал меъморий иншоотларнинг деворларида ўз ифодасини толмоқда.

Шунингдек, бўлиб ўтган тадбир чоғида унинг қатнашчилари Ўзбе-кистон ва Испаниянинг турли йўна-лишлардаги икки томонлама муно-сабатлари ҳолати ва уларнинг ри-вожланиши истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

«Жаҳон» АА, Мадрид.

ХУШХАБАР

■ Ҳамюртимиз Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича Словениянинг Любляна шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида таяниб сакраш баҳсларида 14,600 балл жамғариб, олтин медаль билан тақдирланди. Мезбонлар ваки-ли Тея Белак (14,412) иккинчи, голландиялик Ноэль ван Кла-верен (14,325) учинчи ўринни эгаллади.

Оксана дунёни яна лол қолдирди

Оксана Чусовитина ўтган ойда Германия-нинг Котбус шаҳрида ўтказилган йирик халқ-аро турнирда ҳам олтин медални қўлга киритган эди. Истеъдодли ҳамюртимиз 1992 йилги Барселона Олимпиадаси чемпиони, 2008 йилги Пекин Олимпиадаси кумуш ме-дали совриндоридир.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови
яқунлари эълон қилинди

Мурожаатингиз қисқа вақт
ичида ҳал қилинади

ДЕПУТАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ОДАМЛАР ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ УЧУН

астойдил ишлаш лозим



ди, муаммога дуч келса, уни хал қилиш учун жон қойишди.

Демак, депутат ташаббус билан чиқиб, бирор масала ечим топишига хисса қўшаркан, бундан, аввало, унинг маҳалладошлари, яқинлари манфаат кўради. Ўзи туғилиб ўсган, фарзандлари воёга етаётган ҳудуддаги эзгу ишнинг ташаббускори бўлиш, қайсидир муаммони ҳал этиш бундан кўнгли кўтарилади. Хар бир депутат бунга ўзига яхши тасаввур қилса керак, албатта.

Муайян тадбир ёки йиғилишда иштирок этиб, маъруза ўқиш, муҳокама қилинган масалани маъқуллаб қўйиш билан депутатлик вазифаси бажарилди, деб бўлмайди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларнинг йиғилишлари, сессиялар бўлаётганда, яъни фуқароларнинг устувор ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ҳуқуқларни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилаётганда хар бир депутат ўз фикри, ҳулосасига эга бўлиши талаб этилади.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратсак, 2009 йилда бўлиб

Албатта, электрот манфаатлари билан боғлиқ мазкур ижтимоий масалаларни ўрганиш, уларни ҳудудлар ривожини нуктаи назардан таҳлил қилиш осонликча бўладиган иш эмас. Бу йўлда хар хил ҳолатларга дуч келинади, вазиятлардан ўтишга, баъзан эса аччиқроқ гапиришга тўғри келади.

Ўтган сайловда халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан 6 нафар депутат сайланган эди. Депутатлар сони кам бўлишига қарамай, партия гуруҳи аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларини илгари сурди. Хусусан, шаҳардаги кўп қаватли уйларида иссиқлик тизимини яхшилаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, шаҳардаги болалар шифохонасини таъмирлаш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ма-

салалари чуқур ўрганилиб, сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Сессия қарори асосида амалий натижаларга эришилди. Бундан ташқари, депутатлар аҳолини ўйлантираётган қатор масалаларнинг ҳал этилишида ҳам фаоллик кўрсатишди.

Ўтган йили бўлиб ўтган сайловда олмалиқлик сайловчилар кўпроқ ЎзХДПдан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашди. Хозир халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашида ЎзХДПдан сайланган 14 нафар депутат фаолият юритмоқда.

Бундан келиб чиқадиги, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилган партиянинг аҳоли орасида обрўси, нуфузи, албатта, ошади. Қайси партиядан сайланган депутат астойдил ишляпти, ким кўпни ўйлаб қандай тақлиф-ташаббуслар билан чиқяпти, ким номуага депутат бўлиб юрибди, бугунги одамлар, сайловчилар бунга яхши тушунади, ўзлари сайлаган депутатлар фаолиятини доим кузатиб туради.

«Сайлов ўтди, депутат бўлиб сайландик, ниятимизга едик, қолгани аста-секин йўлга тушиб кетаверади», деб ўйлайдиган одам қаттиқ янг-

лишади, нафақат одамларни, балки ўзини ҳам алдайди. Депутатлик нишонини тақиш билан одам халқ вакили, деган юксак макомга эга бўлиб қолмайди. Бу номга сазовор бўлиш учун юракдан меҳнат қилиш, жон қўйиш керак бўлади. Ишида натижа кўринган, одамларга ёрдами теккан депутат дарров эл назарига тушади, обрў-эътибори ошиб бораверади.

Ўтган йили тахририятимизга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан йўлланган айрим хатларда фуқаролар депутат амалий ёрдам кўрсатгани, газетамиз орқали унга миннатдорлик билдирмоқчи экани ҳақида ёзишди. Халқимиз, катта ёки кичик бўлсин, яхшиликни эсдан чиқармайди, эътиборсиз қолдирмайди, эл-юрт манфаатини ўйлаб қайғурадиган одамнинг ҳурмат-иззатини жойига қўяди. Сайловчиларга, ҳаётга яқин бўлган, хар бир масала бўйича ўз фикри, тақлифини билдирадиган депутат кун келиб, албатта, обрў қозонади, бошқаларга ҳам ўрнак бўлади. Шундай депутатга қараб одамларнинг демократик онги юксалади, фуқаролик позицияси мустаҳкамланади. Беш йил бир қарашда узок муддатдек туюлиши мумкин, лекин кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Шу қисқа вақт ичида хар бир депутат хайри ташаббуслар, савобли ишларга бош-қош бўлади, халқимизнинг ишончини оқлайди, деган ниятдаимиз.

Ўтган йилги сайловдан кейин Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиздаги барча туман ва шаҳар Кенгашларида ўз гуруҳларини тузишга эришди. Бу партиянинг хар бир ҳудудда ташаббус кўрсатиш, тақлиф бериш, сессияга масала киритиш ҳуқуқи қафолатланганини, одамларни ўйлантириб келаятган масалаларни ҳал этиш, тараққиёт йўлини янада кенгрок очиш бўйича катта имкониятга эга эканини мизни англатади. Бу имкониятдан қай даражада самарали фойдаланиш депутатларимизнинг фаоллиги, масъулияти, қолаверса, виждонига боғлиқ масала бўлиб қолади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ДЕПУТАТ ФИКРИ!



Шухрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси,
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

■ — Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокамадан ўтди.

Ош тузи, албатта, йодланиши керак

Маълумки, йод танқислиги касаллиги дунёдаги кўплаб давлатлар учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ер сайёрасининг учдан бир қисмида мазкур касаллиқнинг ривожланиш хавфи мавжуд. Дунё миқёсида 700 миллиондан ортиқ кишида йод танқислиги, 50 миллион кишида эса бу касаллик туфайли ақлий заифлик кузатиляпти. Мазкур қонун лойиҳаси бу борадаги айрим масалаларни бартараф этишни назарда тутди.

Унга кўра, йодланган ош тузи истеъмол қилиш тиббий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан тўғри келмайдиган шахслар учун йодланмаган туз олиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминланиши тўғрисидаги меъёр бекор қилинмоқда. Шунингдек, республикада ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи, албатта, йодланиши кераклиги тўғрисидаги меъёр қатъий қилиб белгиланмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш керакики, бугунги кунда Республикада 123 та йодланган ош тузи ишлаб чиқариш ва қадоклаш корхонаси рўйхатга олинган. Ўзбекистон давлат стандарти техникавий шартларига кўра, бир тонна ош тузини йодлаш учун 67,5 грамм

■ СИФАТЛИ ЙОДЛАНГАН ОШ
ТУЗИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРҒИБ
ЭТИШ, БУ БОРАДА КЕНГ ЖАМОАТ-
ЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ИЗЧИЛ ЙЎЛГА
ҚЎЙИШ ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИДАГИ
ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ
БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.

йодат қалийс қўшилади. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, агар хар бир одам кунига ўртача 5 грамм ош тузи истеъмол қилишни назарда тутсак, йодланган ош тузи истеъмол қилиш натижасида у кунига 200 мкг йод қабул қилади. Бу халқаро ташкилотлар тавсия этган энг мақбул миқдор ҳисобланади.

Қонунчилигимизда йодланмаган ош тузини ишлаб чиқариш тақиқланмагани натижасида истеъмол бозорида турлича сифатдаги ош тузини учратиш мумкин. Айни шу камчиликни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка ош тузи фақат йодланган бўлиши зарурлиги тўғрисидаги қоида киритилляпти. Бу йод етишмовчилиги касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилиши билан ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал этилади. Лекин оилада, иш жойларида, тиббиёт, таълим муассасалари, умумий овқатланиш жойларида, озиқ-овқат саноатида фақат сифатли йодланган ош тузидан фойдаланишни тарғиб этиш, бу борада кенг жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш депутатлар зиммасидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Бу жараёнда, айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари фаол иштирок этиши керак. Чунки аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари партиямиз дастуридаги устувор йўналишлардан саналади.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Хотин-қизларга маслаҳатчи ва кўмакчи

— Биз қишлоқларда, маҳалаларда, ўқув даргоҳларида белгиланган режа асосида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари ташкил этиб, вилоятимиз хотин-қизлари билан доимий мулоқотда бўлиб тура-
— дейди «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими етакчиси Ҳабиба Тўрақулова. — Бу ишларда бизга яқиндан ёрдам бераётган аъзоларимиз кўп. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи

нангиз борми?» мавзуларида машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Депутат Янгиер шаҳрида кўзи ожиз қизи билан яшовчи аёлнинг яшаш шароитини ўрганиб, моддий ёрдам уюштирди. Аёл кўзи ожизлар жамиятига ишга жойлаштиришга, қизи эса шаҳардаги педагогика касб-ҳунар коллежига ўқишга киришга кўмаклашди.

Сирдарё туманидаги 41-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари туман Кенга-



тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва бошқа соҳаларда кўплаб иш ўринлари яратилди.

Эътиборли томони, бу жараёнларда «Фаол аёллар» қаноти жонқуярлари ҳам ўзларининг муносиб хиссасини қўшяпти. Масалан, Гулистон туманидан тадбиркор Зумрадхон Ризоқулова турли пишириқлар тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона ташкил этиб, 15 нафар хотин-қизни, қўнат етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркор Мухаббат Абдукаримова эса 8 нафар маҳалладошини иш билан таъминлади.

Вилоятнинг фаол аёллари фақат тадбиркорлик, йўналишида эмас, бошқа соҳаларда ҳам самарали меҳнат қилляпти. Боёв-вутлик илғор пиллакор, халқ де-

путатлари вилоят Кенгаши депутати Ойхол Мусаева, 13-умумтаълим мактаб директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Холнисо Шоимова, Мирзаобод туманидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Қорабоева, тарих фаоллари номзоди Ўғилой Эрбутова, руҳшунос олима Сабоҳат Шарипова, вилоят «Оила» маркази директори Сабоҳат Зунунова, журналист Норинисо Қосимованинг фаоллиги ва ташаббускорлиги ЎзХДП аъзоси бўлган барча хотин-қизларга намуна бўляпти. Улар партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этиб, кўпчилик ҳурматиға сазовор бўлмоқда. «Фаол аёллар» қаноти ҳамиша ана шундай жонқуярларга таяниб иш юритаётган

«Фаол аёллар» қаноти ҳамиша вилоят хотин-қизлари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиши, амалий ишлар салмоғини янада оширишга жиддий эътибор қаратиши керак.

аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева ана шундай жонқуярлардан бири. У ўзининг ташаббуси билан «Аҳиллик» маҳалласида «Оналар мактаби» мулоқот клубини ташкил этди. У ерда кўплаб хотин-қизлар иштирокида «Соғлом бола — саодат бешиги», «Оилавий низола фарзанд руҳини мажруҳ қилади», «Болангизнинг саломатлиги сизнинг қўлингизда», «Оналарнинг тиббий маданияти қай даражада?», «Уйингизда кутубхо-

ши депутати Мавлуда Бурхонова ҳам ташаббускор аёллардан. У ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда таълим-тарбия ишини намунали йўлга қўйиш билан бирга 8 гектар майдонда боғ яратган. Мана шу боғда етиштирилган мевалар мактаб ошхонасига берилляпти.

Аёллар бандлигини таъминлаш уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омилли. Ўтган йили вилоятда ишлаб чиқариш объектларини ишга

■ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА ДЕПУТАТНИНГ ДЕПУТАТ СЎРОВИ БИЛАН МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ ҚАФОЛАТЛАНГАН.



■ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА БИНОАН ДЕПУТАТ ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҲАМДА ЎЗИ САЙЛАНГАН КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШИШИ, ОВОЗ БЕРИШДА ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РЕГЛАМЕНТИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ШАХСАН ИШТИРОК ЭТИШИ ШАРТ.

СПОРТ



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Жаҳон чемпионати

ёш қиличбозларимиз учун маҳорат мактаби
вазифасини бажармоқда

■ Пойтахтимизда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати якунига етмоқда. Мурасасиз ва шиддатли баҳсларда ғолиб ҳамда совриндорлар номи бирин-кетин маълум бўляпти.



Шпага бўйича қизлар ўртасида ўтган жангларда франциялик Коралин Виталис олтин медални қўлга ки-

ритди. Германиялик Надин Стахлберг кумуш медал билан тақдирланди, украиналик Юлия Свистиль хамда хитойлик Ксю Кин эса бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган қизларимиздан энг яхши натижани Малика Ҳақимова қайд этди. У 113 нафар иштирокчи орасида 57-ўринни эгаллади. Нигора Содиқова 101,

Вероника Рожкова эса 106-поғона билан қифояланди. Ёшлар ўртасидаги шамшир баҳсларида АҚШ вакили Эли Дершвицга тенг келадиган рақиб топилмади. Италиялик Франческо Бонсанто кумуш, бельгиялик Эмиле Де Виссер ва мисрлик Муҳаммад Амир бронза медалини қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Самандар Алимов, Петр Нагибин ҳамда Спартак Бекчоновлар учун жаҳон чемпионати катта тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўта берди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Яхшиликка яхшилик қайтади

■ Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтларда тошкентлик Холбой Ҳошимов тенгдошлари қатори урушга отланди. Лекин уни тиббий кўрикдан ўтказишмади, Ташкентдаги ҳарбий омборхонага жўнатишди. Бу ерда турли қурол-аслаҳалар, кийим-кечак, мева-сабзавотлар захираси сақланарди.

Қаҳатчилик даври, оч-яланғоч, бошланасиз юрганларнинг сон-саногий йўқ. Холбой ака эрта саҳарда ўн беш чақирим нарида жойлашган ҳарбий омборхонага пиёда бориб, уйга ярим тунда силласи қуриб қайтиб келади.

Бир кун уйига қайтаётса, дарахт тагида ниманингдир шарпасини эшитиб қолди.

— Ким бор бу ерда?! — сўради ўзини дадилликка олиб.

— Мен... Турғунман, — деди биров. Унинг рўпарасига ўн ёшлар чамасидаги бола чиқиб келди.

— Қоронғуда нима қилиб ўтирибсан, болам, адашиб қолдингми? Қаердан бўласан?

— Сўқоқликман, онам билан шаҳарга келган эдим, онамни йўқотиб қўйдим...

— Шундайми, оббо, майли, онам ҳам топилиб қолар, қани мен билан юр-чи, уйга борамиз.

Холбой ака Турғунни уйига олиб келди. Турмуш ўртоғи Рискни ая уни ювинтириб, эгнига тоза кийим берди.

Кунлар ортидан кунлар ўтди, лекин Турғунни онаси излаб келмади. Шундай қилиб, у Холбой

аканинг тутинган ўғли бўлиб қолди. Уруш йилларида Холбой ака билан Рискни ая Турғундан ташқари яна 12 нафар жонни асраб катта қилишди, саккизта қизни турмушга узатишди, тўртта ўғилни уйлантиришди. Турғунбойга ҳам маҳалладан уй қуриб беришди...

— Ҳозирги тўқинчилик, фаровонлик у пайтларда тушимизга ҳам кирмаган. Ҳовлимизда бор-йўғи бир уй, бир айвон бор эди, — деб эслайди Холбой отанинг ўғли Абдуҳалил Ҳошимов. — Ўн тўрт жонга битта сигир, қундузи ўни оғилхонага боғлаймиз, кечаси ўғри олиб кетишидан қўриқиб, қаттиқ қўриқлардик. Ана шу сигир қаҳатчилик йилларида бизнинг жонимизга оро кирган.

Ҳали ханузгача ўша йиллар кўз ўнгимдан кетмайди. Биласизми, уйлашимча, ўша оғир замонларда бизга ўшаганларни одамларимиздаги меҳр-оқибат асраб қолди...

Самарқанд туманида яшовчи меҳнат фахрийси Тешакул Тўрақулов бир ибратли воқеани гапириб берганиди.

— Шуру тузуми даврида сув чиқарадиган насос олиш учун Си-

бир ўлкасидаги чекка шаҳарлардан бўлига боргандик, — дейди у. — Меҳмонхонага жойлашдик, эрталаб бизларни олиб кетишга машина келди. Ташқарига чиқсак, йигирма чоғли одам йиғилиб турибди. Ҳамроҳимиздан: «Буллар ким?» деб сўрадим.

«Уларни танимайман», — деб жавоб берди у ва йиғилганлардан нима гапчилигини сўради.

— Ҳозирги тўқинчилик, фаровонлик у пайтларда тушимизга ҳам кирмаган. Ҳовлимизда бор-йўғи бир уй, бир айвон бор эди, — деб эслайди Холбой отанинг ўғли Абдуҳалил Ҳошимов. — Ўн тўрт жонга битта сигир, қундузи ўни оғилхонага боғлаймиз, кечаси ўғри олиб кетишидан қўриқиб, қаттиқ қўриқлардик. Ана шу сигир қаҳатчилик йилларида бизнинг жонимизга оро кирган.

Ҳали ханузгача ўша йиллар кўз ўнгимдан кетмайди. Биласизми, уйлашимча, ўша оғир замонларда бизга ўшаганларни одамларимиздаги меҳр-оқибат асраб қолди...

Самарқанд туманида яшовчи меҳнат фахрийси Тешакул Тўрақулов бир ибратли воқеани гапириб берганиди.

— Шуру тузуми даврида сув чиқарадиган насос олиш учун Си-

соат ичида йигирма кишини меҳмон қилган бу хонадон эгалари бизни ҳайратда қолдирди.

Шаҳримизга ўзбеклар келганини эшитиб, бу ерга келдик, сизларни чин орақдан меҳмон қилмоқчимиз...

Бу воқеадан гоётада мутаассир бўлган қорхона вакили қаёққадир ғойиб бўлиб, тезда директор билан қайтиб келди. Кейин йиғилганларга ҳозир меҳмонлар билан озгина иш борлигини, кечқурун зиёфат берилишини билдирди. Ҳамма топган-тутганини олиб келаверсин, деди.

Урушнинг оғир давларида бир бурда нонини баҳам қўриб, ўқсик қўнғилларга малҳам бўлган Холбой ота, фарзанд меҳри қаддини тиклаган она, оддий ўзбек оиласининг сайёҳларга кўрсатган меҳмондўстлиги ҳалқимиз қадриятларининг нақадар олижаноб эканлигини намоён қилади. Президентимиз айтганидай, «...бу дунёда ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади. Ўзига қайтмаса, болалари, набираларига қайтади. Муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир».

Дарҳақиқат, буюқ ажодларимиз уқтирганидек, ҳар бир аъмоннинг, яхшилик ва ёмонлиқнинг ҳисоб-китоби бор бу дунёда.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
журналист.

ЭЪЛОН

Бухоро вилоятидаги «Кўприксоз» ишлаб чиқариш ширкати таъсисчиларининг 2014 йил якунлари бўйича йиғилиши 2015 йил 1 май кунни соат 10:00 да Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Амир Темури кўчаси, 50-уйда ўтказилади. Ширкат таъсисчиларини ушбу йиғилишда қатнашиш учун таклиф қиламиз.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

«АГРОБАНК»



AGROBANK

билан орзулар
ушалмоқда

■ Назокат Холмўминова коллежда ўқиб юрган кезлари тадбиркор бўлишни дилига тукканди. Бироқ, ишни бошлаш учун маблағ муаммо бўлаётганди. Шунда у бизнес режа тузиб «Агробанк»нинг Чироқчи филиалига тақдим этди. Натижада унга иссиқхона ташкил этиш учун 5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. У бу маблағ эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди. Коллеж битирувчиси юртимизда ўз фаолиятини бошловчи ёшлар учун яратиб берилган шарт-шароитлардан ҳамда кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнун.



Умуман, «Агробанк» АТБнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан аҳолига сифатли ва тезкор банк хизматлари кўрсатиш, замонавий банк хизматларини жорий этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кредит маблағлари билан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Мисол учун, «Агробанк» АТБнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар барча молиялаштириш мақбала хисобидан турли тадбиркорлик субъектларига 63 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Ана шу маблағлар туфайли вилоятнинг чекка ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, тадбиркорлик субъектлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият бошлади. Натижада аҳоли турмуш даражаси ўсиб, ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Оилавий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари билан суҳбатлашганимизда, банк томонидан уларга кўрсатилаётган сифатли ва тезкор хизматдан мамнун эканликларини аққол сезилди.

— Шу кунларда бободехқонларимиз эртанги ризқ-насиба учун ерга уруғ қадамоқда, кўчат экмोқда, — дейди яккабонлик яқка тартибдаги тадбиркор Раъно Ҳамидова. — Кўп қатори мен ҳам ўз ишимни ривожлантириш учун ҳаракат қиламан. Бизнес лойиҳамга асосан, «Агробанк»нинг Яккабон филиалидан асалариликни ривожлантириш максатидан 50 миллион сўм миқдорида кредит олган эдим. Ҳозир ишларим юришиб кетди. Қўшимча даромадга ҳам эга бўлмоқдам. Албатта, асалариликнинг ўзига хос нозик томонлари бор. Ана шунга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ўзбекистонда хотин-қиз тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Тижорат банклари эса бизнес лойиҳаларини амалга оширишда кўмакчи бўлишмоқда.

— Оилавий тадбиркорлик бугунги кунда юртимизда жа-

дал ривожланиб бораётган тармоқлардан биридир, — дейди касбилик оилавий тадбиркор Жамила Эгликова. — Чунки, уй шароитида қўшимча даромадга эга бўлиш, оила фаровонлигига ҳисса қўиш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳалқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган амалий ишларнинг ёрқин кўринишидир. Тадбиркор бўлиб бир ишининг бошини тутиш жуда масъуляти. «Агробанк»нинг Касби филиалидан 15 миллион сўм миқдорида кредит олганимдан сўнг бунга яна бир қарра ҳис қилдим. Ушбу маблағ эвазига паррандачиликни йўлга қўйдим. Албатта, паррандачилик ҳам машаққатли, ҳам сердаромад соҳа ҳисобланади. Келажақда фаолиятимни янада кенгайтириш ис-тагидаман. Бу борада «Агробанк» менинг асосий таянчим.

«Агробанк» АТБнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, аёллар ва оилавий бизнесни кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши, қолаверса, ҳудуднинг янада обод ва фаровон бўлишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, коллеж битирувчилари билан банк ходимлар ўртасида олиб борилаётган тадбиркорликка оид давра суҳбатлари бўлажак ёш тадбиркорларга катта туртки бўлмоқда. Бугунги кунда ана шундай эътибор ва кўмақдан унумли фойдаланган ёшлар тадбиркорлар қаторидан муносиб жой эгалламоқда.

— Инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, астойдил интилса, унга албатта, эришадди, — дейди Назокат Холмўминова. — Бунда атрофдагиларнинг қўмағи ва қўллаб-қувватлаши муҳимдир. «Агробанк» тадбиркорларнинг орзулари ушатиши, ўз мақсадларига эришишида қанот бўлмоқда.

Шухрат ИСЛОМОВ

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN» грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны

Телефоны: (0-371) 262-97-78, Факс:(0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17, www.avtokran.uz, email:cst2008@mail.ru, Товар сертифицирован.